XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 16 - iyul VI-36-195-3-0-K/22 Jizzax viloyati hokimligi

Бахмал, Шароф Рашидов ва Янгиобод туманларидаги айрим аҳоли пунктларини номлаш ва қайта номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарорига асосан Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Бахмал тумани комиссиясининг 7 та, Шароф Рашидов тумани комиссиясининг 12 та ва Янгиобод тумани комиссиясининг 23 та иловада номлари келтирилган аҳоли пунктлари ва қишлоқларни номлаш ва қайта номлаш, тўғрисидаги таклифлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 7 февралдаги 08-00779-сонли, 2022 йил 22 апрелдаги 08-03207-сонли ва 08-03208-сонли, 2022 йил 15 мартдаги 08-02033-сонли экпертиза хулосаларига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Бахмал тумани комиссиясининг 7 та, Шароф Рашидов тумани

комиссиясининг 12 та ва Янгиобод тумани комиссиясининг 23 та иловада номлари келтирилган жами 42 та аҳоли пунктлари ва қишлоқларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 7 февралдаги 08-00779-сонли, 2022 йил 15 мартдаги 08-02033-сонли, 2022 йил 22 апрелдаги 08-03207- ва 08-03208-сонли экпертиза хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Бахмал тумани комиссиясининг 7 та, Шароф Рашидов тумани комиссиясининг 12 та ва Янгиобод тумани комиссиясининг 23 та иловада номлари келтирилган жами 42 та аҳоли пунктлари ва қишлоқларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Салоҳиддинов), вилоят Статистика бошқармаси (Д.Мулладжонов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Ш.Қўқонбоев), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Н.Сидиков), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (М.Турсунов), Бахмал тумани ҳокими (М.Анарбоев), Шароф Рашидов тумани ҳокими (М.Холбўтаев), Янгиобод тумани ҳокими (И.Қаршибоев) мутасадди ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Бахмал, Шароф Рашидов ва Янгиобод туманларидаги номланган, қайта номланган аҳоли пунктлари ва қишлоқлар номларини белгиланган тартибда статистика ҳисоботларида акс эттириш ва иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

4. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ғ.Қодиров) Бахмал, Шароф Рашидов ва Янгиобод туманидаги номланган, қайта номланган аҳоли пунктларига аҳолини рўйхатга қўйиш ҳамда тегишли йўл белгиларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширсин.

5. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Ш.Қўқонбоев), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Н.Сидиков), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (М.Турсунов), Бахмал тумани ҳокими (М.Анарбоев), Шароф Рашидов тумани ҳокими (М.Холбўтаев), Янгиобод тумани ҳокими (И.Қаршибоев)лар биргаликда қайта номланган аҳоли пунктлари ва қишлоқларга белгиланган тартибда

замонавий дизайн асосидаги пешлавҳалар ва кўрсаткич белгилар ўрнатилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Б.Мавлянов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (Ш.Қўқонбоев), Бахмал, Шароф Рашидов ва Янгиобод тумани ҳокимликлари билан биргаликда номлари тасдиқланган аҳоли пунктларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг давлат реестри базасига киритилишини таъминласин.

7. Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (У.Адилов), Жиззах вилоят телерадиокомпанияси (Э.Шермонов) ва “Жиззах ҳақиқати”-“Джизакская правда” газеталари таҳририяти (Б.Назаров)га ушбу қарор мазмун моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Мустанов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Б.Назаров) ҳамда вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси (Б.Мавлянов) зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Xalq deputatlari Jizzax viloyat Kengashining
2022 yil 16 iyuldagi
VI-36-195-3-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Бахмал, Шароф Рашидов, Янгиобод туманларидаги номланаётган ва қайта номланаётган аҳоли пунктлари ва қишлоқлар

РЎЙХАТИ

Т/р	География объектнинг тури	География объектнинг жойлашган ўрни	География объектнинг амалдаги номи	Вилоят комиссияси томонидан берилган таклиф	Вилоят комиссияси томонидан аҳоли пунктларига берилган таклифларга шарҳ
1	2	3	4	5	6
Бахмал туманидаги номланаётган ва қайта номланаётган аҳоли пунктлари					
1	Аҳоли пункти	“Ойқор” ҚФЙ	Номсиз	Сарқипчоқ	Бахмал туманига тахминан 4-5 асрлар олдин Сурхон вохасидан 10-15 нафар киши келиб жойлашиб қолишган.Ўзбекнинг “Сарқипчоқ” уруғига мансуб бўлишган. “Сарқипчоқ”-сар-бош, қипчоқ- дашти қипчоқликларга бориб тақаладиган ўзбек уруғи, умумий маънода “қипчоқ уруғининг боши” деган маънони билдиради.Қишлоқ номи уруғ номидан келиб чиққан.Бугунги кунда бу қишлоқда 150 хонадон бор.Қишлоқ қадимдан шу ном билан номланиб келинган.Лекин расмий ҳужжатларда юритилмаган. Қишлоқ аҳолиси қишлоғини ўз номида аталишини, расмий ҳужжатларда юритилишини талаб қилишмоқда.
2	Аҳоли пункти	“Гулбулоқ” ҚФЙ	Гумбулоқ	Янгиҳаёт	“Гулбулоқ” ҚФЙ таркибига кирувчи “Гумбулоқ” қ.а.п фуқаролари томонидан услубий ва мазмунан хато куйилган “Гумбулоқ” номини “Янгиҳаёт” қишлоқ номига ўзгартириш бўйича йигилиш ўтказилган ва бу йиғилиш баёни туман географик объектларни номлаш ва кайта номлаш комиссиясига такдим этилган.

3	Аҳоли пункти	“Молгузар” МФЙ	Чайиш	Чайиш	“Молгузар”МФЙ ахолиси томонидан худудидаги «Дувлот» к.а.п таркибига кириб, расмий номланмаган «Чайиш» қ.а.п ни расмийномлаш буйича махаллада Кенгаш йигилиши ўтказилган. Бу йиғилиш баёни туман географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиясига тақдим этилди.
4	Аҳоли пункти	“Молгузар” МФЙ	Нушкент	Чектамға	«Молгузар» МФЙ аҳолиси томонидан «Нушкент» к.а.п номини қадимий «Чектамға» номига ўзгартириш таклифи туман географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиясига тақдим этилди. Йиғилишда оқсоқоллар томонидан ушбу қишлоқ тарихи ҳакида гапирилиб, қишлок қадимдан “Чектамға” деб номланиши, қирғиз халқининг ҳурматли Байтейт исмли бойининг олтита ўғли бўлганлиги, мол-дунёсини тақсимлашда чек ташлагани, битта чекка тамға қўяди ва тамғали чек кенжа ўғилга тушади, кенжа ўғилнинг қишлоги шундан буён “Чектамға” номи билан номланиб келиниши айтилади. Маҳалла фаоллари йиғилишига ҳам шу маълумотлар муҳокама қилинган ва туман Географик объектларни номлаш ва кайта номлаш комиссиясига тақдим этилган.
5	Аҳоли пункти	“Боғишамол”ҚФЙ	Қўшдархат	Қўшдархат	“Боғишамол” ҚФЙ таркибидан ажраб чиққан “Истиқлол” МФЙнинг таркибига кирувчи “Қўшдархат” қишлоқ аҳоли пункти номини туман комиссиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилган. Бу қ.а.п номи республика реетрига киритилмасдан қолганлиги хатлов натижасида маълум бўлган.
6	Аҳоли пункти	“Янгибоғ” МФЙ	Лойқа	Лойқа	“Янгибоғ” МФЙнинг таркибига кирувчи “Лойқа” қишлоқ аҳоли пункти номини туман комиссиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилган. Бу қ.а.п номи республика реетрига киритилмасдан қолганлиги хатлов натижасида маълум бўлган.
7	Аҳоли пункти	“Ватанпар-вар” МФЙ	“36-ҳарбий ёпиқ шаҳарча”	“36-ҳарбий ёпиқ шаҳарча”	Туманнинг чегара қисмида ҳарбий оилалар яшайдиган аҳоли пункти “Ватанпарвар” МФЙ сифатида Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашнинг 2018 йил 31 августдаги 32/1 сонли қарори билан ташкил этилган ва бу маҳалла ичига кирувчи ёпиқ шаҳарча “36-ёпиқ шаҳарча”номи билан белгиланган.
Шароф Рашидов туманидаги номланаётган ва қайта номланаётган аҳоли пунктлари					

8	Аҳоли пункти	Нонисангил маҳалласи	Номсиз	Янги равот	Шароф Рашидов туманидаги Равот ҳудудининг ўзлаштирилмаган жойларига аҳоли кўчиб бориб ўтроқлашиб яшаб бошлаган. Шундан сўнг мазкур аҳоли пунктига Янги Равот номи берилган.
9	Аҳоли пункти	Қаҳрамон маҳалласи	Номсиз	Қўшбармоқ	Қадимда ҳукмдорлар печат сифатида бош бармоқлари билан муҳр босишган. Шу даврларда мазкур ҳудуд ҳукмдорининг бошбармоғи иккита бўлганлиги сабабли ҳужжатларга ҳам қўшбармоқ билан муҳр босган. Шундан буён мазкур аҳоли яшайдиган ҳудуд Қўшбармоқ ҳудуди деб аталиб бошлаган. Ҳозирга қадар ҳам ушбу аҳоли пункти Қўшбармоқ номи билан аталиб келмоқда.
10	Аҳоли пункти	Қулфисар маҳалласи	Номсиз	Пахтаобод	Собиқ мустабид даврида Шароф Рашидов туманининг мазкур ҳудудида пахта экилган. Кейинчалик пахтазор далаларига аҳоли кўчиб келиб, яшай бошлаган ҳамда ташкил этилган ушбу аҳоли пунктига Пахтаобод номи берилган.
11	Аҳоли пункти	Саройлик, Яхтанлик, Эски-Тошкентлик ва Тараққиёт маҳаллалари	Номсиз	Саройлик	Тарихий манбаларда келтирилишича, ушбу ҳудудда кўп йиллар муқаддам катта Сарой бўлиб, ўша саройда одамлар яшаган ва шу саройда яшовчи одамларга нисбатан улар яшаётган ҳудудни Саройлик одамлар деб атаб келишган.
12	Аҳоли пункти	Олмачи маҳалласи	Номсиз	Олмачи	Тарихий манбаларда келтирилишича, қадимда қурол-аслаҳа ясовчилар “Олмачи” номи билан аталган экан. “Олмачи” парча юз уруғидан бўлиб, асли жойлари Жиззахдаги Ўра-тепа олмачисидан турли жойларга тарқалган – деган маълумотлар учрайди. Маҳаллий аҳолининг таърифлашича, мазкур ерларга аҳоли дастлаб кўчиб келганида тўп-тўп серҳосил олма дарахтлари бўлган ҳамда олма мевалари аҳолининг тирикчилик манбайига айланган. Шундан сўнг бу ҳудуд аҳолисини қўшни ерликлар олмачилар деб атаганликлари учун аҳоли пунктига ҳам Олмачи номи берилган.
13	Аҳоли пункти	Пастки сўлоқли маҳалласи	Номсиз	Сўлоқли	Тарихий манбаларда келтирилишича илгари марказнинг ўнг томони сўлоқли деб аталган, яъни “сўл томони” деган маънони билдирган. Мазкур аҳоли пункти марказнинг сўл томони бўлганлиги сабабли аҳоли томонидан Сўлоқли номи билан аталган.
14	Аҳоли пункти	Халқобод маҳалласи	Номсиз	Иттифоқ	Бир неча уруғ ва қабилалар бирлашиб мазкур ҳудудни ўзлаштириб, аҳоли пунктини ташкил этган ҳамда ўзаро аҳилликда, иттифоқликда яшаганлиги сабабли улар биргаликда яшаётган аҳоли пункти Иттифоқ номи билан аталган.

15	Аҳоли пункти	Ғозғонтепа маҳалласи	Номсиз	Ҳамзаобод	Ҳамза сўзи тарихда ўткир, аччиқ, куйдирувчи, ёндирувчи, чироқ ёки доривор ўсимлик номи бўлган. 2-3 аср олдин аҳоли келиб бу ерларни ўзлаштиришидан аввал Ҳамза номли ўсимликлар ўсиб ётган ташландиқ жой бўлган. Аҳоли томонидан ушбу жой бегона ўт-ўсимликлардан тозалаб, обод қилинганидан сўнг бу аҳоли пунктига Ҳамзаобод номи берилган.
16	Аҳоли пункти	Халқобод маҳалласи	Номсиз	Тўптолобод	Мазкур аҳоли пункти ҳудуди тол дарахтлари тўп-тўп ўсиб ётган, бутазор ва чакалакзорлардан иборат ташландиқ жой бўлган. Шундан сўнг аҳоли кўчиб бориб ўзлаштирган ва тўп тол дарахтларидан иборат сўлим-салқин аҳоли яшаш манзиллари ташкил этилган. Шундан сўнг ушбу обод ҳудудга Тўптолобод номи берилган.
17	Аҳоли пункти	Куёвбоши маҳалласи	Номсиз	Куёвбоши	Бундан III аср муқаддам ушбу ҳудудда дастлаб 40 хонадон бўлиб яшай бошлаган. Аҳолиси асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб кун кечирган. Ўтмишдаги оғир очарчилик, қийинчилик ва қаҳатчилик даврларида аҳоли ўз меҳнати билан базўр кун кечирган, лекин бу жойга ўша даврларда ҳали ҳам ном берилмаган. Шундай оғир ҳаётда яшаётган аҳоли ўзбек миллий анъана ва қадриятларига кўра тўй қилиб ўғил уйлантирган, қизини турмушга берган. Ўзига тўқ хонадон ўғлини уйлантираётганда чекка ҳудуддан куёвлик либос (дўппи, чопон, белбоғ, этик)ларини олиб келган. Шундан сўнг ким ўғил уйлантирса, ушбу хонадоннинг куёвлик либосларидан меҳр-оқибат, аҳил-иноқлик, бағрикенглик муносабатлари асосида фойдаланишган. Кейинчалик бу одат оммалашиб чекка ҳудудлардаги йигитлар ҳам уйланишса ушбу либослардан фойдаланиб бошлагани учун “Куёвларга бош” ибораси кенг тарқалган. Тилдан тилга, оғиздан оғизга ўтиб аҳоли орасида “элликбоши”, “мингбоши” мартабалар номи пайдо бўлгани каби, дастлаб куёвлик либосларини барча йигитларга беғараз бериб турган йигит “Куёвбоши” деб эътироф этилган ва кейинчалик у яшайдиган жой “Куёвбоши” номи билан атала бошлаган. Мана шу жой ҳозиргача “Куёвбоши” номи билан аталиб келади.

18	Аҳоли пункти	Янгидиёр маҳалласи	Номсиз	Деҳқонобод	Тўқайзор бўлиб ётган ушбу ерларни деҳқонлар кўчиб келиб, экин экиб унумдор ерларга айлантирган ҳамда яшаш манзилларини қуриб ўтроқлашиб яшай бошлаган. Шундан сўнг деҳқонлар кўчиб келиб, обод қилган ушбу аҳоли пункти номи деҳқонлар шарафига Деҳқонобод деб номланган.
19	Аҳоли пункти	Маданият маҳалласи	Номсиз	Тарақли	Тарақли - туркий халқлар уруғларидан бирининг қадимий номи бўлган. Шу сабабли ушбу аҳоли пунктига ҳудудни ўзлаштириб аҳоли яшаш манзилларини ташкил қилган уруғ номи, яъни Тарақли номи берилган.
Янгиобод туманидаги номланаётган ва қайта номланаётган қишлоқлар					
20	Қишлоқ	Баландчақир МФЙ	Баландчақир	Баландчақир	Янгиобод туманининг маъмурий маркази этиб ташкил этилган (1999 й. апр. дан). Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Баландликда жойлашгани учун Баландчақир (чоғир-тош, қалъа ёки қўргон маъноларида бўлиши мумкин) деган тахмин мавжуд.
21	Қишлоқ	Баландчақир МФЙ	Варқин	Варқин	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Манбаларда кўрсатилишича, эрамиздан аввалги 3-2 асрлардан мавжуд. Қишлоқ тарихига оид икки хил ривоят мавжуд. 1-си Вағн-билимли (Самарқанд шевасида)сўзидан келиб чиқиб, кейинчалик Варқин сўзига айланиб кетган. 2-тахмин: маҳаллий аҳоли томонидан бу қишлоқда қадимда совун ишлаб чиқариш амалиёти мавжуд бўлган варқин совун деган маънони билдиради деган тахмин ҳам мавжуд
22	Қишлоқ	Баландчақир МФЙ	Паркат	Паркат	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ аҳли Тошкент вилоятининг Паркент туманидан келиб, шу крда яшаб қолишган. Паркент сўзи маҳаллий аҳоли тилида Паркат деб аталган.
23	Қишлоқ	Баландчақир МФЙ	Муғол	Муғол	Уруғ номи. Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ Янгиобод тумани Баландчақир МФЙда жойлашган.
24	Қишлоқ	Совот МФЙ	Соҳибкор	Соҳибкор	Янгиобод туманидаги қишлоқ номи. 1982 йилда боғдорчилик, узумчиликка ихтисослашган хўжалик сифатида ташкил топган. Янги ташкил топган аҳоли пункти шунга ишора қилиб Соҳибкор деб аталган
25	Қишлоқ	Совот МФЙ	Тўқбой	Тўқбой	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ Янгиобод тумани Совот МФЙда жойлашган.

26	Қишлоқ	Хўжамушкент МФЙ	Феруз	Феруз	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқнинг табиатига нисбат қилиб Феруз-яшил қишлоқ деган ном олган деган тахмин мавжуд.
27	Қишлоқ	Хўжамушкент МФЙ	Баят	Баят	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Боғат сўзининг бузиб айтилишидан Боят сўзи пайдо бўлган. Боғат-боғли жой маъносини англатади..
28	Қишлоқ	Хўжамушкент МФЙ	Эрганакли	Эрганакли	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Новдадан ясалган нарвон маъносини билдиради. Ерли аҳоли тепадан пастга шу нарвонда тушган деб тахмин қилинади. Аниқ маълумот топилмаган.
29	Қишлоқ	Хўжамушкент МФЙ	Уювли	Уювли	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Уювли-ўйилган, чуқур сўзидан келиб чиққан. Уйиқ жойдаги қишлоқ маъносини беради..
30	Қишлоқ	Сармич МФЙ	Юқори Сармич	Юқори Сармич	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Сармич сўзининг атамаси ҳақидаги баъзи маълумотларда “Сармич яъни мушт” деган маънони билдиради. Сармич сўзи ҳозирги кўринишни олгунча зармис, сармис, сармиш шаклида аталган.
31	Қишлоқ	Сармич МФЙ	Пастки Сармич	Пастки Сармич	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ Янгиобод тумани Сармич МФЙда жойлашган.
32	Қишлоқ	Сармич МФЙ	Искандар	Искандар	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Александр Македонский даврига оид. Македонский урушда яралор бўлганларни шу қишлоққа ташлаб кетган дейишади. Қишлоқ номи шунга ишора Искандар деб айтилади деган тахмин мавжуд.
33	Қишлоқ	Сармич МФЙ	Жўлангар	Жўлангар	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ Янгиобод тумани Сармич МФЙда жойлашган.
34	Қишлоқ	Ҳавотоғ МФЙ	Чанговул	Чанговул	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. 7-8 асрларга оид. Асли Жанговул бўлган, кейинчалик Чанговул деб айтила бошлаган. Қишлоқ тарихига оид 2 хил ривоят мавжуд.
35	Қишлоқ	Ҳавотоғ МФЙ	Учтургон	Учтургон	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. 14-16 –аср оид. Қадимда замонларда карвон тўхтайдиган жой бўлган. Бу ер Штуркон деб аталган. Штуркон яъни туя кони дегани. Аввал Штуркон сўнгра Учтургон деб аталган
36	Қишлоқ	Ҳавотоғ МФЙ	Қўшқанд	Қўшқанд	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи.Бобир билан боғлиқ ривоят мавжуд. Бобур тухтаб ўтган бу қишлоқда миришкор деҳқонлар Бобирга қўшқовунни тортиқ этишади. Қовунни мазасини тотиб кўрган Бобур қовунингиз қўшқанддек ширин экан дейди. Шундан буён бу қишлоқ Қўшқанд деб аталади деган ривоят мавжуд.

37	Қишлоқ	Ҳавотоғ МФЙ	Қўриқ	Қўриқ	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ Янгиобод тумани Ҳавотоғ МФЙда жойлашган.
38	Қишлоқ	Шодлик МФЙ	Пучуғой	Пучуғой	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Манбаларда Пучуғой яраланган ой маъносида деган далиллар мавжуд. Аниқ маълумотлар мавжуд эмас
39	Қишлоқ	Шодлик МФЙ	Мелобод	Мелобод	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ Янгиобод тумани Шодлик МФЙда жойлашган.
40	Қишлоқ	Дўстлик МФЙ	Чаканд	Чаканд	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қишлоқ Янгиобод тумани Дўстлик МФЙда жойлашган.Қишлоқ жойлашган ҳудудда доривор ўсимлик- чаканда (облипеха) ўсимлигиўсган. Қишлоқ шу ўсимлик номидан келиб чиққан.
41	Қишлоқ	Дўстлик МФЙ	Намингон	Намингон	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Қадимда қишлоқ яқинида туз кони бўлган, шунга ишора қилиб,қишлоқ- Намаккон(туз кони) деб аталган вақт ўтиши билан Намаккон сўзи маҳаллий аҳоли томонидан Намингонга айланиб кетган
42	Қишлоқ	Дўстлик МФЙ	Пасткичақир	Пасткичақир	Янгиобод туманидаги қадимий қишлоқ номи. Баландчақирдан анча пастда жойлашган. Балки номи шундан келиб чиққандир деган тахмин бор..